

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Бошқарувининг
2022 йил “16” декабрь даги
128-1-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
Бошқарув раиси



“Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича
алоқа каналлари орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш
Тартиби

Тошкент - 2022 й.

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарувининг
2022 йил “16” декабрь даги
128-1-сонли қарорига
илова

**“Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича
алоқа каналлари орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш
Тартиби**

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича алоқа каналлари орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) “Микрокредитбанк” акциядорлоик-тижорат банкида (кейинги ўринларда – банк) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб банқдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, банк Бошқарувига ҳисобот тақдим этишни белгилайди.

3. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори, Коррупцияга қарши курашиш тизими (кейинги ўринларда - КҚҚТ) соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи жаҳон амалиётларини, шу жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари - Қўллаш бўйича талаб ва тавсиялар” (кейинги ўринларда “ISO 37001:2016 стандарти” деб юритилади) Халқаро стандартининг талаб ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг КҚҚТ соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Мазкур Тартибда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аноним мурожаат – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;



ишонч телефони – банкка телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим банк ходимларига, шунингдек, бошқа шахсларга фиригарлик ва коррупция аломатлари ва ҳолатлари, ходимлар ва контрагентлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, ўғирлик ҳамда мулк ва активлардан ғайриқонуний фойдаланиш, банқда товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш тартиб-қоидаларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида хабар бериш имконини берувчи ташкилий чора-тадбирлар ва техник воситалар мажмуи;

mansabdor шахслар – мансабдор шахслар таркибига банк Кузатув кенгashi аъзолари, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари ҳамда бошқа аъзолари, бош бухгалтер, Амалиёт бошқармаси ва филиаллари раҳбарлари, шунингдек, уларнинг бош бухгалтерлари киради;

мурожаат – банк ходимиининг ёки бошқа шахснинг мавжуд алоқа каналлари орқали банк ходими томонидан коррупция ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (садир этишга уриниш) тўғрисидаги, бунда ходим/шахс маълумотларнинг асосли эканлигига ҳақиқатан ҳам ишонч ҳосил қилган ҳолда, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам сўраб қилган мурожаати.

мурожатчи – алоқа каналлари орқали ташкилотдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс, ходим;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш; **коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

контрагент – банк шартномавий муносабатларга киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, меҳнат муносабатлари бундан мустасно;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан банкнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

фирибгарлик – бу бизнес ёки шахсий манфаатлар учун адолатсиз ёки ноқонуний фойда олиш мақсадида фактларни нотўғри кўрсатиш бўйича қасддан қилинган ҳар қандай ҳаракат, ўғирлик, мансабни сустеъмол қилиш, шунингдек, қасддан ва ноқонуний талон-тарож қилиш, мулк ёки ресурсларни йўқ қилиш;

Реестр/рўйхатга олиш журнали – алоқа каналлари орқали келиб тушган барча мурожаатлар тўғрисидаги батафсил маълумот, унда мурожаатнинг қабул қилинган тартиб рақами ва санаси, мурожаат этаётган жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижро қилингандик белгиси, шунингдек, бошқа маълумотлар;

коррупцияга қарши қурашиб тизими (КҚҚТ) –амалдаги қонунчик ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ташкилот ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

Ходим - банк билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ISO 37001:2016 Стандарти – ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари - Қўллаш бўйича талаб ва тавсиялар” Халқаро стандартининг талаб ва тавсиялари.

Электрон мурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно.

2-боб. Алоқа каналлари фаолиятининг асосий мақсадлари

5. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари мақсадлари қуйидагилардан иборат:

· ушбу Тартибга мувофиқ фирибгарлик, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлари ҳақида хабар беришда ошкораликни тарғиб қилувчи корпоратив маданиятни шакллантириш ва такомиллаштириш;

- банк фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг янада самарали ва натижадор бўлишига қаратилган чора-тадбирларни рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, юзага келишига сабаб бўлаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;
- ариза берувчи томонидан (шахсан ёки аноним тарзда) ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тахмин қилинган қонунбузарликлар ёки хавотирлар тўғрисида мурожаатномаларни тақдим этиш усулларини белгилаш;
- ишонч телефони орқали банк ходими томонидан қонунбузарлик тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши муносабати билан банк ходимларини санксиялар/таъқиблардан ҳимоя қилишни ўз ичига олган шаффоф мухитни яратиш;
- банк ва унинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларида ходимларнинг, контрагентларнинг ва/ёки банк билан ҳамкорлик қилувчи бошқа учинчи томонларнинг мурожаатларида кўрсатилган коррупцияга оид ҳолатларнинг намоён бўлиши фактларига тезкорлик билан муносабат билдириш;
- Департамент ходимлари келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш, уларни кўриб чиқиш, сақлаш ва мониторинг қилиш жараёни, шунингдек мурожаатнома тақдим этилганда мурожаатчига банк томонидан кафолатлар тақдим этилиши ва тескари алоқа тўғрисида маълумот бериш.

3-боб. Алоқа каналлари фаолиятининг асосий принциплари

6. Алоқа каналлари фаолиятининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

а) қонунийлик;

банк алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, КҚКТ бўйича илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ушбу Тартибга мувофиқ амалга оширилади.

б) мурожаатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилиши;

масъул ходимлар мурожаатларнинг ушбу Тартибда белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилиши учун жавобгардирлар.

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

г) мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизмга йўл қўйилмаслиги;

мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократия ва лоқайдлик ҳолатларига йўл қўйғанлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш.

д) қонунийлик ва хавфсизлик;

алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган банкнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатта эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, банк унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди.

4-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

7. Таалуқли хабар қуидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

банкнинг веб-сайтидаги - “Коррупция бўйича мурожаат” кичик саҳифаси;

банкнинг телефон-ишонч рақами - (55) 503-77-11;

банкнинг электрон почтаси - mkbanticor@mkb.uz;

банкнинг телеграм боти - @mkbantikor.

8. Банк алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, банк биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳокозоларда акс эттиради.

5-боб.Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

9. Банкнинг Коррупцияга қарши назорат департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) алоқа каналларидан келиб тушган аризаларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

10. Алоқа каналига ишонч телефони орқали хабарлар келганда Департамент масъул ходими:

· фамилияси, исми, отасининг исмини ва эгаллаб турган лавозимини маълум қилиши;

- мурожаатчидан фамилияси, исми ва отасининг исмини, шунингдек манзили ва алоқа телефон рақамини кўрсатишни таклиф қилиши;
- мурожаатчига мурожаатнинг моҳиятини баён этишни таклиф қилиши;
- мурожаатчига у томонидан тақдим этилган маълумотларнинг махфийлиги кафолатланиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

11. Алоқа каналига электрон ариза топшираётганда ариза берувчи қуидагиларни кўрсатиши шарт:

- жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар;
- юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;
- электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари;
- аризанинг моҳияти;
- бошқа маълумотлар.

12. Банк мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Департаментнинг масъул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуидагиларни амалга ошириши лозим:

банкка келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожатчи билан боғдана олмасликларини билдириши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласди (шахси кўрсатилмаган электрон почта манзили, телеграмдаги махфий чат ва б.)

13. Банк алоқа каналига аноним тарзда мурожаат қилинганда, ушбу мурожаат Департамент томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиласди.

14. Мурожаат ўзбек ва рус тилларида берилиши мумкин.

15 Департамент ходимлари ҳар куни алоқа каналлари орқали келиб тушган маълумотларнинг мавжудлигини текширади, уларни банкка тааллуқлилиги, ишончлилиги, анонимлиги, муҳимлиги, янгилиги ва оммавий ахборот воситаларида хабар қилинган фактлар мавжудлиги нуқтаи назаридан дастлабки ишлов беришни амалга оширади.

16. Департамент ходимлари реестр/рўйхатга олиш журналида иловага мувофиқ келиб тушган қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни қайд этадилар. Бунда:

а) иш вақтида келиб тушган мурожаатлар бўйича: қоидабузарлик тўғрисидаги мурожаат олингандан сўнг дарҳол;

б) иш вақтидан ташқари келиб тушган мурожаатлар бўйича: кейинги иш кунида кўриб чиқилади.

17. Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Реестр/рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами ва қабул қилинган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, бажарилганлик белгиси, шунингдек, бошқа маълумотлар кўрсатилади.

19. Реестр/рўйхатга олиш журнали электрон шаклда ҳар бир календарь йили учун юритилади.

5-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

20. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

21. Мурожаатларни кўриб чиқиша:

· Департамент ходими ва банк мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ошкор қилинишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекланишига йўл қўйилмайди;

· жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги мурожаатларга алоқадор бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. Жисмоний шахснинг илтимосига биноан унинг шахсияти тўғрисидаги ҳеч қандай маълумотни ошкор этилиши мумкин эмас;

· Департамент ходими 2 (икки) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда мурожаатларни қоидабузарликнинг асосий ҳолатларини аниқловчи дастлабки текширувани амалга оширадилар, шу жумладан қоидабузарлик белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги, унинг асосий элементлари ва зарари мавжудлигини аниқлайдилар;

· дастлабки текшириш натижаларига кўра, Департамент ходими мурожаатдаги маълумотлар ушбу Тартибга мувофиқ кўриб чиқиш талабларига

жавоб бермаслигини аниқласа (коррупциявий ҳуқуқбузарлик, ножүя хатти-харакатлар мезонлари ҳамда киритилган маълумотлар етарли эмаслиги), мурожаат ушбу босқичда рад этилиши мумкин. Шу билан бирга, ариза берувчидан мурожаатнинг моҳияти, унинг тушунтиришларини тасдиқловчи ва/ёки мурожаат мазмунини рад этувчи бошқа ҳужжатлар (материаллар) юзасидан ёзма тушунтириш олиш мумкин;

· дастлабки ўрганиш натижаларига кўра, мурожаатда ходимларнинг хатти-харакатлари ёки коррупцион ҳолатлар мавжуд эмаслиги аниқланса, мазкур мурожаат бир кунлик муддатда тегишлилиги бўйича тегишли департаментларга қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқишлик учун йўналтирилади;

· мурожаат алоқа каналлари орқали келиб тушган кундан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида Департамент ходими томонидан кўриб чиқилади. Агар дастлабки маълумотлар мавжуд бўлса, Департамент ходими масалани ҳал қилишга мажбурдир, бироқ қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш зарур бўлса, қўшимча ҳужжатларни сўраш 1 (бир) ойгача бўлган муддатда амалга оширилади.

22. Оралиқ жавоб берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

23. Мурожаат Департамент директори билан келишилган ҳолда назорат ва ижродан олиш учун раҳбариятга киритилади.

24. Банк раҳбарияти, КҚНД директори ва ходимлари мурожаатларни кўриб чиқиш устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширадилар ҳамда уларнинг тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўрадилар.

6-боб. Ҳисобдорлик ва маълумотларни сақлаш

25. Мавжуд маълумотлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ҳисбот даврида келиб тушган мурожаатлар ҳолати тўғрисидаги ҳисботлар муңтазам равишда банк раҳбарияти ва Ички аудит департаментига тақдим этилади.

26. Барча келиб тушган мурожаатлар Департамент томонидан мазкур Тартибда белгиланган муддатда, ариза берувчига мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисидаги (бунда, мурожаатни қабул қилиб бўлмаслиги сабаблари кўрсатилади) ёзма тарзда жавоб юборади.

27. Мурожаатни кўриб чиқиш бошланганидан кейин қонунда белгиланган муддатларда Департамент масъул ходими мурожаатчини (аноним мурожаатлар бундан мустасно) ўрганиш натижалари ёки мақоми ҳақида (агар давом этадиган бўлса махфийликни таъминлаш бўйича қонун меъёрлари доирасида) хабардор қиласи.

28. Келиб тушган мурожаатлар, шу жумладан кўриб чиқиш учун қабул қилинмаган мурожаатлар, ўрганиш натижалари ва кўрилган чоралар билан боғлиқ барча маълумотлар махфий ҳисобланади ва Департаментда сақланади.

29. Маълумотлар базасига киришга фақат Департамент ходимлари ва банк мансабдор шахсларига рухсат этилади.

Агар маълумотлар базасига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс (ушбу шахс/унга яқин шахслар) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ёки фирибгарликка алоқадорлиги тўғрисида мурожаат келган бўлса, банк вазиятдан келиб чиқиб, маълумотлар базасига киришни мустақил равишда қайта кўриб чиқади.

30. Ўрганиш натижалари, банк раҳбариятига тақдим этилган ҳисоботлар ошкор этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7-боб. Якуний қоидалар

31. Мазкур Тартиб талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

32. Мазкур Тартиб, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

33. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, мазкур Тартибнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, мазкур Тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилади.

34. Департамент ушбу Тартибнинг қоидаларини жорий этиш ва тушунтириш, шу жумладан ходимлар ва контрагентларни хабардор қилиш учун жавобгардир.

35. Банк раҳбарияти ушбу Тартибда белгиланган талабларнинг бажарилиши самарадорлиги устидан назоратни амалга оширади.

36. Тартиб банк билан меҳнат муносабатларида бўлган, эгаллаб турган лавозими ва вазифаларидан қатъий назар, барча ходимларга, шу жумладан филиаллар ва таркибий бўлинмаларнинг ходимларига, мансабдор шахсларга, шунингдек банк билан ҳамкорлик шартномасини тузган контрагентларга нисбатан қўлланилади.



“Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши кураш масалалари бүйіч алоқа канаплари орқали көлиб тушаётган мурожааттарни күриб чыкши тартибиға

1 -ИЛОВА

20_ЙИЛ БҮЙИЧА МУРОЖААТЛАР РЕЕСТРИ/МУРОЖААТЛАРНИ РҮЙХАТТА ГОЛІШ ЖУРНАЛИ